# Раббим, офиятда қил ва шифо бер

Image not found or type unknown

10:40 / 23.06.2025    1260

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен касалимдан шикоят қилиб: «Аллоҳим, агар ажалим яқинлашган бўлса, мени роҳатлантир, агар ажалимни кечиктирган бўлсанг, мендан касалликни кўтар. Агар бало келтирган бўлсанг, менга сабр бер», деб айтаётганимда, ногаҳон олдимдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтиб қолдилар. Ва: «Нима дединг?» деб сўрадилар. Мен айтганларимни такрорладим. У зот оёқлари билан мени туртиб: «(Йўқ,)

اللَّهُمَّ عَافِهِ أَوْ اشْفِهِ

**«Аллоҳумма ъафиҳи» ёки «Аллоҳумма ишфиҳи»** (Эй Раббим, офиятда қил ёки шифо бер)**, деб айт», дедилар. Мен ана шу кундан кейин касалликдан шикоят қилмадим».**

*Имом Термизий ривояти.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***

***Таржимон Анвар Аҳмад***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.